

БОЛАЛАР МЕХНАТИ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Муллажонов Шерзамон Аброр Ўғли

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчиси

Аннотация:

Мазкур тадқиқотда болалар меҳнати тушунчасининг мазмуни, ҳуқуқий чегаралари ва тарихий шаклланиши таҳлил қилинади. Халқаро меҳнат ташкилоти ва БМТ Болалар ҳуқуқлари конвенцияси асосида болалар меҳнатининг асосий мезонлари ва турлари ёритилади. Шунингдек, болалар меҳнатига нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, унинг ҳуқуқий таснифи ва хавф даражалари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: болалар меҳнати, ҳуқуқий тартибга солиш, халқаро стандартлар, ХМТ, БМТ конвенцияси, хавфли меҳнат, болалар ҳуқуқлари

Болалар меҳнати тушунчасининг ҳозирги мазмуни ва ҳуқуқий чегаралари узоқ тарихий ривожланиш жараёнида шаклланиб келиб келиб қилиб, жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда унга нисбатан муносабатнинг эволюцияси турли даврларда ўзига хос хусусият касб этган. Хусусан, болаларнинг меҳнат жараёнида иштирок этиши илк жамиятларда табиий ҳол сифатида қабул қилинган бўлса, кейинчалик саноатлашув жараёнида у кенг қўлланма ижтимоий муаммога айланган. Айнан шу тарихий босқичлар болалар меҳнатига қарши халқаро ва миллий ҳуқуқий механизмларнинг вужудга келишига замин яратган. Шу нуқтаи назардан, масалани илмий жиҳатдан атрофича таҳлил қилиш учун болалар меҳнатининг тарихий ривожланиш босқичларини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Болалар меҳнатига нисбатан ягона ва барча томонидан эътироф этилган универсал таърифнинг мавжуд эмаслиги мазкур тушунчанинг ҳозиргача баҳсли ва турлича талқин қилинадиган ҳуқуқий категория бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. Илмий адабиётларда болаларга нисбатан **“иш” ва “меҳнат”** атамалари кўп ҳолларда ўзаро алмаштириб қўлланилса-да, Халқаро меҳнат ташкилоти бу масалага нисбатан аниқроқ таснифни таклиф қилади. Унга кўра, ишловчи болалар уч гуруҳга ажратилади: **меҳнат фаолияти билан банд болалар, болалар меҳнатига жалб қилинган болалар ва хавфли меҳнатда иштирок этувчи болалар.**¹

Болалар меҳнатини аниқлашда, одатда, боланинг ёши, иш вақтининг давомийлиги, бажарилаётган ишнинг хусусияти, меҳнат амалга оширилаётган муҳит, шунингдек мазкур фаолият болани нимадан маҳрум қилаётгани ёки унга қандай таъсир кўрсатаётгани каби мезонлар муҳим аҳамият касб этади. ХМТ манбаларида **“меҳнат фаолияти билан банд болалар”** энг кенг тоифа сифатида талқин қилиниб, у ҳақ тўланадиган ишлаб чиқарувчи фаолиятлар билан бир қаторда айрим ҳақ тўланмайдиган ишлаб чиқарувчи фаолиятларни ҳам қамраб олади; бироқ боланинг ўз хонадон доирасида бажарадиган оддий уй ишлари иқтисодий фаолият сифатида баҳоланмайди. Шу маънода, “болалар меҳнатига жалб қилинган болалар” тушунчаси аввалги тоифага нисбатан торроқ бўлиб, боланинг таълим олишига ҳалақит бермайдиган ва соғлиғига зарар етказмайдиган энгил ишларни тўлиқ қамраб олмайди. **“Хавфли меҳнат”** эса ўз табиати ёки амалга оширилиш шароитларига кўра боланинг соғлиғи, хавфсизлиги, ахлоқий, жисмоний ва руҳий ривожланишига таҳдид соладиган меҳнат тури сифатида баҳоланади. Шу боис, умумлаштирилган ҳолда, болалар меҳнати деганда болани унинг болалигидан,

¹ Fors, Heather Congdon. 2012. “CHILD LABOUR: A REVIEW OF RECENT THEORY AND EVIDENCE WITH POLICY IMPLICATIONS: CHILD LABOUR.” Journal of Economic Surveys 26 (4): 570–93. <https://doi.org/10.1111/j.1467-6419.2010.00663.x>.

салоҳиятидан ва кадр-қимматидан маҳрум қилувчи, шунингдек унинг жисмоний ва руҳий ривожланишига зарар етказувчи меҳнат тушунилиши мумкин.

Болалар меҳнати — бу болаларнинг ёшига мос келмайдиган ёки уларнинг таълим олишига ҳалал берувчи ҳамда соғлиғи ва фаровонлигига салбий таъсир кўрсатувчи меҳнат фаолиятларининг кенг доирасини қамраб олади².

Халқаро меҳнат ташкилоти болалар меҳнати болаларни ўз болалик давридан, салоҳиятидан ва кадр-қимматидан маҳрум этувчи меҳнат сифатида таърифлаб, унинг жисмоний ва руҳий ривожланишига салбий таъсирини алоҳида таъкидлайди³.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси (UNCRC) болалар меҳнати болаларнинг фаровонлигига хавф туғдирувчи, уларнинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ёки мактабда ўқиш имкониятларидан маҳрум этувчи ҳар қандай меҳнат сифатида белгилайди⁴.

Айрим олимлар томонидан болалар меҳнати тушунчасига оид ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу тушунча фақат болаларнинг меҳнат фаолиятида иштирок этиши билан чекланмайди, балки қуйидаги омилларни ҳам ўз ичига олади:

биринчидан, бола бажараётган меҳнатнинг хусусияти;

иккинчидан, боланинг ёши;

учинчидан, меҳнатга сарфланган вақт;

тўртинчидан, меҳнат амалга оширилаётган шароитлар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, болалар меҳнати тушунчаси ягона ва умумий таърифга эга эмас.

Турли ижтимоий ва иқтисодий муҳитларда бу тушунча турлича талқин қилинади.

Юқорида келтирилган назарий ёндашувлар, халқаро-ҳуқуқий нормалар ҳамда илмий фикрлар таҳлили шуни кўрсатадики, болалар меҳнати тушунчаси кўп қиррали ва мураккаб мазмунга эга бўлиб, унинг ягона ва универсал таърифини шакллантириш муайян даражада мушкул ҳисобланади. Шу билан бирга, мавжуд илмий қарашлар ва халқаро стандартларни умумлаштирган ҳолда мазкур тушунчага нисбатан муаллифлик ёндашувини шакллантириш мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур тадқиқот доирасида болалар меҳнати куйидагича муаллифлик таърифи таклиф этилади:

Болалар меҳнати — бу вояга етмаган шахсларнинг ёши, жисмоний ва руҳий ривожланиш даражасига мос келмайдиган, уларнинг таълим олиш имкониятларини чекловчи ёки бутунлай маҳрум этувчи, соғлиғи, хавфсизлиги ва маънавий камолотига салбий таъсир кўрсатувчи ҳамда иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсирида юзага келадиган меҳнат фаолиятидир.

Болалар меҳнати турлари

Болалар меҳнати кўп қиррали ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида турли шакл ва кўринишларда намоён бўлади. Шу сабабли уни тўғри баҳолаш ва самарали ҳуқуқий тартибга солиш учун болалар

² Bourdillon, M. 2019. ““Child Labour” and Children's Lives.” In *Global Childhoods Beyond the North-South Divide*, edited by A. Twum-Danso Imoh, M. Bourdillon, and S. Meichsner, 35–55. Springer International Publishing. https://doi.org/10.1007/978-3-319-95543-8_3.

³ ILO. 2021. “2021: International Year for the Elimination of Child Labour [Press Release].” http://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS_766351/lang--en/index.htm.

⁴ Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси // <https://lex.uz/docs/2595913>

меҳнатини муайян мезонлар асосида таснифлаш муҳим аҳамиятга эга. Илмий адабиётларда болалар меҳнати бир қатор белгиларига кўра турларга ажратилади⁵.

Аввало, **ҳуқуқий мақомига кўра** болалар меҳнати легал (қонуний) ва ноқонуний шаклларга бўлинади.

Легал меҳнат деганда боланинг ёши, соғлиги ва ривожланиш даражасига мос келадиган, қонун билан рухсат этилган енгил меҳнат турлари тушунилади. Бундай меҳнат, одатда, таълим жараёнига халақит бермайди ва боланинг жисмоний ҳамда руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайди.

Ноқонуний меҳнат эса қонунчиликда тақиқланган, боланинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлган меҳнат фаолиятини ўз ичига олади.

Иккинчидан, **хавф даражасига кўра** болалар меҳнати енгил меҳнат, хавфли меҳнат ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига ажратилади.

Енгил меҳнат боланинг соғлиғига зарар етказмайдиган ва унинг таълим олишига тўсқинлик қилмайдиган фаолиятни англатади.

Хавфли меҳнат эса ўз хусусияти ёки амалга оширилиш шароитига кўра боланинг жисмоний, руҳий ёки маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлардан иборат.

Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари эса халқаро ҳуқуқ, хусусан Халқаро меҳнат ташкилотининг 182-сонли Конвенциясида белгиланган бўлиб, улар қаторига қуллик, фоҳишабозлик, ноқонуний фаолият ва бола учун ўта хавфли меҳнат турлари киради⁶.

Учинчидан, **фаолият соҳасига кўра** болалар меҳнати қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш ва ноқонуний иқтисодий фаолият соҳаларида намоён бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалигида болалар кўпинча деҳқончилик ишларига жалб этилса, саноатда улар оғир жисмоний меҳнат ёки хавфли иш шароитларида ишлашга мажбур бўладилар. Хизмат кўрсатиш соҳасида эса болалар савдо, маиший хизматлар ёки кичик хизмат турларида иштирок этади. Ноқонуний фаолият соҳасига эса наркотик моддалар тарқатиш, контрабанда ёки бошқа жиноий фаолиятлар киради.

Тўртинчидан, **ташқил этилишига кўра** болалар меҳнати оилавий меҳнат, стихиявий (ўзини ўзи банд қилиш) ва иш берувчи томонидан ташқил этилган меҳнат шаклларига бўлинади. Оилавий меҳнатда бола оила хўжалигида иштирок этади, стихиявий меҳнатда эса бола мустақил равишда даромад топишга ҳаракат қилади. Иш берувчи томонидан ташқил этилган меҳнат эса муайян меҳнат муносабатлари доирасида амалга оширилади.

Юқоридаги таснифланишларга қўшимча тарзда **бизнинг фикимизча** қуйидаги таснифларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳақ тўланишига кўра, болалар меҳнати ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган меҳнат турларига ажратилади. Ҳақ тўланмайдиган меҳнат кўпинча оилавий хўжаликда кузатилса, ҳақ тўланадиган меҳнат эса меҳнат бозори билан боғлиқ бўлади.

Шунингдек, **болалар меҳнати ижтимоий мақсадига кўра** ҳам фарқланади. Айрим ҳолларда болалар меҳнати тирикчиликни таъминлаш воситаси сифатида намоён бўлса, бошқа ҳолларда у боланинг ижтимоийлашуви ва меҳнат кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, болалар меҳнатининг турлари турли мезонлар асосида ажратилиб, уларнинг барчаси бир хил ҳуқуқий баҳоланмайди. Ушбу тасниф болалар меҳнатига нисбатан дифференциялашган ёндашувни шакллантириш, унинг хавфли ва эксплуатацион шакллари аниқлаш ҳамда самарали ҳуқуқий чоралар кўришда муҳим аҳамият касб этади.

⁵ Мазкур мақолалар рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар қисмида кўрсатилган.

⁶ ILO, Worst Forms of Child Labour Convention (No 182), 1999, Art 3.// <https://www.warnathgroup.com/wp-content/uploads/2017/10/ILO-C182-Worst-Forms-of-Child-Labour-Convention.pdf> (мувожаат қилинган сана: 07.04.2026).

Фойдаланилган адабиётлар

1. International Labour Organization (ILO). What is Child Labour? — Geneva, 2020.
2. International Labour Organization. Convention No. 138 on Minimum Age, 1973.
3. International Labour Organization. Convention No. 182 on Worst Forms of Child Labour, 1999.
4. United Nations. Convention on the Rights of the Child (UNCRC), 1989.
5. UNICEF. Child Labour: Global Estimates and Trends, 2021.
6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. — Тошкент, 2022.
7. Fors, Heather Congdon. 2012. “CHILD LABOUR: A REVIEW OF RECENT THEORY AND EVIDENCE WITH POLICY IMPLICATIONS: CHILD LABOUR.” *Journal of Economic Surveys* 26 (4): 570–93. <https://doi.org/10.1111/j.1467-6419.2010.00663.x>.
8. Bourdillon, M. 2019. ““Child Labour” and Children's Lives.” In *Global Childhoods Beyond the North-South Divide*, edited by A. Twum-Danso Imoh, M. Bourdillon, and S. Meichsner, 35–55. Springer International Publishing. https://doi.org/10.1007/978-3-319-95543-8_3.
9. ILO. 2021. “2021: International Year for the Elimination of Child Labour [Press Release].” http://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS_766351/lang--en/index.htm .